Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 10-DEKABR, SESHANBA, 148 (8229)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти туман, шаҳар Кенгашларининг қўшма сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодиёт тармоқларининг куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш, кўп қаватли уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан Зарафшон шаҳридаги 1-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу мактабда чет тили фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади.

“Бухоро нефтни қайта ишлаш” заводида углеводород ва нефть хомашёси қайта ишланиб, ундан халқ хўжалиги учун зарур маҳсулотлар тайёрланади. Ушбу маҳсулотлар иқтисодиётда ниҳоятда аҳамиятли бўлиши баробарида ёнғинга хавфли ҳам ҳисобланади. Шу боис, иш жараёнида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Кунниг муҳим воқеалари

▶ Фарғона вилояти ҳокими Шуҳрат Ғаниев иштирокида ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда тенгдошларига ўрнак бўлаётган фаол ёшлар қатнашди. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшларнинг таълим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари, ўз қобилиятларини тўла намоён этишлари учун барча шарт-шароит яратилгани ва бундан унумли фойдаланиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

▶ **Бойсун туманида замонавий “Бахт уйи” фойдаланишга топширилди. Тоғли туман иқлими эътиборга олинган ҳолда барпо этилган икки қаватли кўркам бинода барча замонавий шароитлар яратилган. Никоҳ маросимларини қайд этиш зали, “Оила дорилфунуни” хонаси янги мебель ва замонавий ахборот-коммуникация жиҳозлари билан таъминланди.**

▶ Қорақалпоғистон Республикасининг олис овулларидан бири – Мўйноқ туманидаги Қозоқдарё овулида хонадонларнинг томорқа ерларини узлуксиз суғориш имконияти яратилди. БМТнинг Тараққиёт дастури асосида амалга оширилган лойиҳа “Искерқурилис” ва “Жол марс” масъулияти чекланган жамиятлари қурувчилари томонидан қисқа фурсатда бажарилди. Овул ўртасидан ўтган 6 километр узунликдаги ариқ реконструкция қилиниб, янги электр линияси тортилди. Қозоқдарё канали бўйига насос станцияси қурилиб, ариққа сув чиқарилди.

▶ **Риштон туманидаги “Чўнғара” маҳалла фуқаролар йиғинида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.**

2014 йил – Соғлом бола йили

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

БОЛАМ МЕНДАН ҲАМ БАХТЛИ БЎЛСИН ДЕЙДИ БУ ЭЛ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан кириб келаётган 2014 йилга мамлакатимизда Соғлом бола йили деб ном берилди

Ўзбек халқининг барча орзу-ҳаваслари, ҳаётининг мазмуни фарзандлари билан боғлиқ, десак янглишмаймиз. Юртимиздаги исталган одамдан энг олий мақсадингиз нима, деб сўранг, шубҳа йўқки, болаларимнинг бахту саодатини, камолини кўриш, деб жавоб беради.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генофондини соғломлаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган даъват умуммиллий шиорга айланди. Мустақил давлатимизнинг илк ордени “Соғлом авлод учун” деб номланганида ҳам ана шундай ҳикмат бор.

Ўтган йиллар давомида бу олижаноб мақсад йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун шароит яратиш йўлида катта куч ва маблағлар йўналтирилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ислоҳотлар бир-бирини тўлдириб, узвий тизим шаклини олди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Соғлом она – соғлом бола» концепцияси асосида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, ирсий касалликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган замонавий скрининг марказлари, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Репродуктив саломатлик маркази, уларнинг минтақавий филиалларида оналар ва чақалоқларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси 2013 йил 12 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2013 йил 11 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Бугун — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимизнинг азалий орзу-умидлари, эзгулик ва бунёдкорликка йўғрилган интилишлари давлатимиз рамзлари — байроқ, герб ҳамда мадҳияда ўзининг ёрқин ифодасини топди. Улар фуқароларимиз қалбида Ватан туйғусини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан юксак аҳамиятга молик.

МАДҲИЯМИЗ ЯНГРАСИН ТОКИ БОР ЖАҲОН!

Бугун Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонун қабул қилинганига 21 йил тўлди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов сўзи ва атоқли бастакор Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳиямиз 1992 йилнинг 10 декабридан буён мустақил давлатимизнинг шукуҳли таронаси сифатида янграб келмоқда.

Ёрқин машъала сингари қалбимизни ёритувчи мадҳиямиз матнида қадр-қимматимиз, таянчимиз ва ифтихоримиз бўлган муқаддас Ватанимиз ҳамда бағрикенг, эътиқоди мустаҳкам халқимиз жўшқин сатрларда улуғланади. Бунда мусиқанинг шеър билан ўзаро уйғунлиги таъсирчанликни янада кучайтириб, ҳар бир ватандошимиз қалбида ғурур-ифтихор, юрт тақдири учун дахлдорлик, фидойилик туйғуларини мустаҳкамлайди ҳамда уларни юксак марралар сари чорлайди.

Таъкидлаш жоизки, мадҳиямиз давлат раҳбарларини расмий кутиб олиш ва кузатиш маросимлари, байрам тантаналари, спорт мусобақалари ҳамда бошқа муҳим аҳамиятга молик бўлган тадбирларда ижро этилиб, давлатимиз суверенитетига юксак эҳтиромни ифодалайди.

Юртимиз вакиллари халқаро спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, ғалаба қозонганида улар шарафига мадҳиямиз янграши барчамизга маълум. Бундан спортчиларимиз нақадар тўлқинланишини телевидение орқали кўп маротаба кузатганмиз.

— Шоҳсупада турганимда Ватанимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилган лаҳзаларда беихтиёр кўзларимга ёш келади, — дейди оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони, “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони соҳиби Руслан Нурудинов. — Шундай бахтиёр лаҳзаларда қўлимни кўксимга қўйиб, мадҳиямизни куйлайман. Бу эса мени илгаригидан-да тетик қилади, янги ғалабалар сари руҳлантиради. Ўзимни билаклари қайта кучга тўлган спортчидек ҳис этаман.

Ўғил-қизларимизни муқаддас Ватанимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб воя-га етишида мадҳиямизнинг аҳамияти беқиёс. Ота-боболаримиздан мерос, кўп асрлик бой қадриятларимизга содиқ, юксак дунёвий билимлар ва маънавий фазилатларга эга ёшларимиз айнан мадҳиямиз садолари остида юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, шу тариқа мамлакатимизни дунёда тараққий топган давлатлар қаторига кўтаришдек эзгу ҳамда улуғ мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида тобора фаоллашмоқда.

— Мактабимизда ҳар куни мадҳиямиз янграб, байроғимиз бошимиз узра ҳилпираганида, вужудимизни сеҳрли туйғулар қамраб олади, — дейди Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 3-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Ирода Ғайратова. — Шу азиз юртда яшаётганимиздан қалбимизда чексиз ғурур ва фахр ҳислари жўш уриб, мадҳиямизга жўр бўламиз. Бу эса илму фан, ижод сирларини пухта эгаллаб, жонажон Ватанимиз довруғини бутун дунёга ёйиш йўлидаги интилишларимизга куч-қувват бағишлайди.

Дарҳақиқат, авлодларимизга аждодларимизнинг мардона руҳи ёр бўлиб, улуғ халқимизнинг қудрати жўш ураётгани сайин Ўзбекистонимиз оламни маҳлиё этаверади. Истиқлолимиз шукуҳини тараннум этувчи мадҳиямиз эса асрлар оша баралла янграйверади.

Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Тошкент Вилояти

«ОНА ЗАМИН НЕЪМАТЛАРИ» БОЗОРЛАРНИ ТЎЛДИРДИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ БАЙРАМОЛДИ ЯРМАРКАЛАРИ БОШЛАНДИ

Тупроғи – олтин, суви – зар, иқлими – бебаҳо юртимизда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўзининг ширин-шакар таъми, шифобахшлиги билан ажралиб туради. Қолаверса, миришкор деҳқонларнинг тадбиру заҳмати билан қишда ҳам дастурхонларимиз ёз неъматлари билан файзиёб бўлади. Мезон шамолини еган ширин-шакар тарвузқовунлар, салқинда янада таранг тортилган нақш олмалар, ширасн тилни ёрадиган узумлару сархил сабзавотлар бозорларимизга кўрк бағишлайди.

Деҳқон тақвими бўйича қавс ойининг сўнгги ўн кунлиги бошланмоқда. Ҳадемай, қиш чилласи киради. Шунга қарамай, бугун бозорларимиздаги барака – серобчиликка ва тўкинликка, энг муҳими, арзончиликка ҳавасингиз келади.

Жорий йилда пилла, ғалла ва пахтадан мўл ҳосил кўтарган Тошкент вилояти меҳнаткашлари картошка, мева, сабзавот, полиз ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа аҳоли эҳтиёжи учун зарур ҳисобланган турларини етиштириш бўйича ҳам катта натижаларга эришдилар. Айниқса, ушбу маҳсулотларни жамғариб, қиш мавсуми захирасига қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли сақлаш бўйича изчил тадбирлар амалга оширилди. Мавжуд замонавий совитиш камераларидан самарали фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиб, янгиларини барпо этиш, эскиларини замонавий ҳолга келтириш бўйича катта ишлар қилинди. Хусусан, Янгийўл, Оҳангарон, Юқори Чирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳрида маҳсулот сиғими 4 минг тонна бўлган янги совитиш камералари қурилди, Ангрен шаҳри ва Паркент туманида ҳар бирининг сиғими минг тоннадан зиёд бўлган 2 та совиткич модернизация қилинди. Айни вақтда вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган 39 та ана шундай совиткич бўлиб, уларнинг ялпи сиғими 32 минг тоннани ташкил этади.

Бугун ушбу хайрли ишларнинг самараси ўлароқ, вилоятнинг бир қатор туман ва шаҳарларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг анъанага айланиб қолган байрамолди ярмаркалари фаолият бошлади. Аҳолида байрам кайфиятини уйғотган ушбу тадбир бозорга янада файз киритди.

(Давоми 2-саҳифада)

БОЛАМ МЕНДАН ҲАМ БАХТЛИ БЎЛСИН ДЕЙДИ БУ ЭЛ

(Боши 1-саҳифада)

Ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришнинг асосий воситаси сифатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча ҳудудларда, хусусан, чекка қишлоқларда ҳам бунёд этилаётган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Эътиборлиси, бу жараён таълим-тарбия тизими билан мутаносиб равишда олиб борилаётир.

Бу борадаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, жисмоний кўрсаткичларида ҳам намоён бўлмоқда. Болаларимиз ўртасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари кескин камаймоқда.

Ўртача вазн кўрсаткичи 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Болаларнинг бўйи ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қизлар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсган. Ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан Соғлом бола йили деб эълон қилинган 2014 йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаяди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом бола – аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, унинг жамият ҳаёти ва ёш авлод тарбиясидаги аҳамиятини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган. Хусусан, Конституциямизнинг алоҳида бобида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгиланган. Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари, бошқа қонун ҳужжатларида оилавий муносабатлар ўз ифодасини топган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган “Оила йили”, “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Она ва бола йили”, “Сиҳат-саломатлик йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили”, “Мустаҳкам оила йили” муносабати билан қабул қилинган давлат дастурлари ўзаро узвийлик касб этиб, уларнинг амалга оширилиши самарасида оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асослари янада мустаҳкамланди.

Оила қўрғонининг чиройи аёлдир. Соғлом боланинг туғилиши ва ақл-заковатли, юксак маънавиятли бўлиб улғайишида оналарнинг ўрни беқиёс. Бунинг учун аввало аёлнинг ўзи соғлом, илму маърифатли ва ортиқча ташвишлардан холи бўлиши зарур. Шу боис мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, рўзғор юмушларини енгиллаштириш, турмуш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

…Яқинда хориж матбуотида шундай мақола чоп этилди. Унда ҳикоя қилинишича, узоқроқ қишлоқлардан бирида яшовчи ҳомиладор аёлнинг ўрмонда кўзи ёрибди. Гап шундаки, бу қишлоққа энг яқин тиббиёт пункти 25 километр наридаги посёлкада бўлиб, у ерга транспорт қатнамас экан. Одамлар, жумладан, ҳомиладор аёллар ҳам тиббий кўрикка ўрмон орқали пиёда бориб-келаркан. Шунда йўл анча қисқариб, 10 километрни ташкил этар экан!

Шундай қатновларнинг бирида, ўрмоннинг ўртасига борганда бояги ҳомиладор аёлни дард тутади. Ёнида эридан бошқа ҳеч ким йўқ. Уйга қайтишини ҳам, шифохонага боришини ҳам билмайди. Шу аҳволда, шу шароитда бола дунёга келади.

Мамлакатимизда аёлларга эътибор, улар учун яратилган шарт-шароитлар бутунлай бошқача. Барча ҳудудлардаги қишлоқ врачлик пунктлари, вилоят кўп тармоқли шифохоналари, перинатал ва скрининг марказлари, гинекология ва туғруқхона мажмуаларида аёлларга малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Ўсмир қизлар ва туғиш ёшидаги аёллар бепул тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Уларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга доир маърифий ишлар изчиллик билан олиб борилаётир.

Одам боласининг ўзи, ўз соғлиғига эътиборсизлиги, қолаверса, носоғлом муҳит оқибати баъзан фарзандларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясига путур етказади.

Азалдан халқимиз ўз насл-насабининг соғлом бўлишига доим эътибор берган. Ўғил уйлантириш ёки қиз чиқаришдан олдин бўлғуси келин ёхуд куёвнинг етти пуштини суриштиришган. Наслнинг тозалиги, авлодининг соғлом ва баркамоллиги кўп жиҳатдан ана шу ёшларнинг саломатлигига боғлиқ эканлигини яхши англаган. Соҳибқирон Амир Темур даврида бу масалаларга катта эътибор қаратилган.

Ана шу эзгу анъаналаримизга ҳамоҳанг тарзда мамлакатимизда бўлғуси келин-куёвларни никоҳдан аввал тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби жорий қилинган.

Президентимиз ўз маърузасида келгуси авлодлар тақдирига бевосита дахлдор бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, ота-оналар ва тиббиёт ходимларининг бу борадаги масъулиятини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, халқимизда касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал, деган нақл бор. Дейлик, касалманд бир боланинг соғлиғини тиклаш учун қанчадан-қанча маблағ, вақт ва асаб кетади. Аввало, бундан ота-онанинг ўзи азоб чекади, қолаверса, қариндош-уруғ, дўсту биродарларни ҳам ташвишга солади. Бундай ҳолатлар кўпайгани сайин жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига путур етиб, турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар келиб чиқади.

Агар ҳар бир одам ўзи ва фарзандлари соғлиғи ҳақида ўз вақтида қайғурса, бутун жамиятда шундай муҳит шаклланса, бу муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади.

Соғлом авлодни тарбиялаш – узлуксиз жараён. Бу кенг миқёсдаги кўпдан-кўп вазифаларни бажаришни, ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан доимий эътибор ва масъулиятни талаб қилади. Бу борада, айниқса, соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия тизими, маҳалла ва иҳтимоий тузилмалар алоҳида ўрин тутади. Давлатимиз раҳбарининг маърузасида ҳам ушбу соҳалар олдига муҳим вазифалар қўйилди.

Ҳар қандай жамият соғлом ва баркамол, эл-юртига садоқатли, иймон-эътиқодли фарзандлари билан фахрланади, уларга суянади. Шундай фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказган халқ келажакка катта ишонч билан қарайди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Соғлом бола йилида мамлакатимизда амалга ошириладиган ишлар ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Қашқадарё Вилояти

Бугунги кунда фермерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси ҳамда аграр соҳани жадал ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олаётган кучдир. Фермер хўжаликлари негизида кўп тармоқли қўшимча ишлаб чиқаришлар, жумладан, интенсив боғлар, токзорлар ташкил этилаётгани, кўплаб майдонларда кўчатчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик тобора равнақ топаётгани буни тасдиқлайди.

УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР – ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Бу борадаги кенг кўламли ишлар айни пайтда ижобий самаралар бермоқда. Жорий йилда биргина Қашқадарё вилоятида бир миллион тоннадан ортиқ дон етиштирилиб, шунинг 450 минг тоннадан зиёди давлатга сотилди. Пахтачиликда ҳам ютуқлар салмоқли бўлди. 2014 йилги мўлжалланган юксак мақсадлар вилоят қишлоқ хўжалиги ходимлари зиммасига янада масъулиятли вазифалар юкламоқда.

Яқинда Қарши шаҳрида бўлиб ўтган минтақавий кўргазмали семинар ана шу устувор вазифалар ижросини таъминлашга бағишланди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идораларнинг раҳбар ҳамда етакчи мутахассислари, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидан қишлоқ хўжалигига алоқадор ташкилот ҳамда корхоналар раҳбарлари иштирок этдилар.

Анжуманда таъкидланганидек, фермер хўжаликлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қашқадарё вилояти мисолида айтадиган бўлсак, 7139 та фермер хўжалигининг 5266 таси пахтачилик ва ғаллачилик, 307 таси сабзавотчилик ҳамда 1079 боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланмоқда. 429 та чорвачиликка ихтисослашган ва 58 та бошқа тармоқларда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари дастурхонимиз мўл-кўлчилигини таъминлаш йўлида бутун имкониятларини ишга солянти.

Айни пайтда вилоятда 2014 йил ҳосили учун 145 минг гектар суғориладиган ва 63 минг гектар лалми майдонларда дон тўлиқ экилиб, парваришланмоқда. Шу кеча-кундузда ғалла майдонларига 736 минг тонна маҳаллий ўғит чиқарилди. Пахта ҳосилидан бўшаган майдонларнинг шудгорига катта эътибор берилди. 2014 йилда чигит экиладиган 160,4 минг гектар майдоннинг 133 минг гектарига тўлиқ пушта олинади.

Ҳозиргача 90 миллиард сўмлик 1484 та қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилиш учун шартномалар тузилди. Жорий йилда 510 дона, шундан 400 таси лизинг асосида, 53 таси банк кредитлари, 57 таси эса хусусий маблағлар ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олинди.

Вилоятда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чорва моллари бошини кўпайтириш, наслчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда вилоятдаги барча хўжаликларда чорва моллари сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 миллион 234 минг бошга кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган дастурларга асосан жорий йилда вилоятда чорвачилик, паррандачилик ва асаларичиликка оид умумий қиймати 15,4 миллиард сўмлик 237 та лойиҳа амалга оширилди. Чунончи, балиқчиликни ривожлантириш доирасида 57,1 гектар сунъий ва 70 гектар табиий сув ҳавзалари барпо қилинди. Натижада 45,5 тонна балиқ истеъмолчиларга етказиб берилди.

Кўргазмали семинар давомида сўзга чиққанлар 2014 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалигида белгиланган 11 та устувор йўналишнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг бугунги ҳолати ҳақида фикр билдирдилар.

Кўргазмали семинар қатнашчилари вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш марказидаги биофабрика фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, улар Ғузор туманидаги “Истиқлол” кўп тармоқли фермер хўжалигида мевани қайта ишлаш ва нон ишлаб чиқариш цехлари ҳамда иссиқхона, боғ, техника паркини кўздан кечирдилар.

Тадбирда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли тавсиялар берилди. Унда вилоят ҳокими З.Рўзиев иштирок этди.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Сурхондарё Вилояти

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти туман, шаҳар Кенгашларининг қўшма сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодиёт тармоқларининг куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш, кўп қаватли уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 5 июлдаги “Республика иқтисодиёти тармоқларини 2013-2014 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Вилоятда 2013 йилда таълим, тиббиёт ва бошқа ижтимоий соҳа объектлари, иқтисодиёт тармоқларида мавсумга ҳозирлик ишлари сифатли олиб борилди. Иситиш тизимлари, қозонхоналарни таъмирлаш ишларига алоҳида аҳамият берилди. Кўп қаватли турар-жой бинолари ва ҳатлов ишларини олиб борадиган ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, солиқ, молия бўлимлари, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари, электр энергияси, табиий газ, иссиқлик таъминоти, “Сувоқова” ишлаб чиқариш корхонаси, маҳалла фуқаролар йиғини, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари вакиллари жалб этилди. Ҳар бир гуруҳ белгиланган тартибда кўп қаватли уй-жойларни хатловдан ўтказди, кўп қаватли турар-жой бинолари ва ҳатлов ишларининг том қисми ва иситиш тизимининг бугунги ҳолати кўздан кечирилди.

Термиз шаҳридаги кўп қаватли уйларга 26 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади. Кўп қаватли уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш тўрт секторга тақсимланган ҳолда амалга оширилиб, белгиланган ишларнинг сифатли бажарилиши алоҳида назоратга олинди. Бунинг натижасида 104 кўп қаватли уй-жойнинг том қисми, 9 минг 755 метр ичимлик сув таъминоти ва оқова сув қувурлари, 276 кириш йўлакчалари жорий таъмирланди.

Сессияда табиий газ, иссиқлик таъминоти, “Сувоқова” ишлаб чиқариш корхонаси, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг қишли-қировли кунларни кўнгилдагидек ўтказиш, иқтисодиётнинг барча тармоқлари барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан ахборотлари тингланди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Сессияда Сурхондарё вилояти ҳокими Н.Чориев сўзга чиқди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

«ОНА ЗАМИН НЕЪМАТЛАРИ» БОЗОРЛАРНИ ТЎЛДИРДИ

(Боши 1-саҳифада)

Бўка туманидаги “Истиқлол” деҳқон бозорига ташриф буюрган киши расталарга қўйилган арзон нархдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўриб дили яйрайди. Алоҳида безатилиб, пештоқига “Янги йил байрами қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркасига хуш келибсиз”, “Арзон гўшт, арзон балиқ маҳсулотлари, арзон табиат инъомлари” сўзлари битилган махсус павильонларда 15 турдан зиёд маҳсулотлар аҳолига тортиқ қилинмоқда.

– Тадбиркорларимиз, фермерлар, савдо ва тайёрлов харид корхоналаримиз томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захираси етарлича таъминланганлиги боис бу йилга байрамолди ярмаркасини белгиланган муддатдан бир ҳафта барвақт бошлаб юбордик, – дейди Бўка тумани ҳокимининг ўринбосари Муроджон Суннатиллаев. – Ярмаркада рўйхат бўйича 50 дан зиёд тадбиркорлик субъектлари ўз захираларидаги маҳсулотлари билан фаол иштирок этмоқдалар.

Бўка тумани ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда туманда 3 минг тоннага яқин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захираси яратилган бўлиб, унда “Марказ савдо инвест” МЧЖ, “Истиқлол” деҳқон бозори ҳузуридаги тайёрлов савдо харид корхонаси, “Истиқлол Бўка” кўп тармоқли савдо корхонаси, “Дониёр ТАДТ”, “Боғи равон”, “Бўстон”, “Миришкор”, “Суюн ота” ва “Жамшид ўғли Олимжон” фермер хўжаликлари, шунингдек, “Бўкапахтатозалаш” корхонаси, халқ таълими ва туман тиббиёт бирлашмалари ҳам фаол иштирок этдилар. Бундан ташқари, 30 минг бош товуқ парваришлаётган “Лабзак Анис парранда” ҳамда “Лабзак парранда” МЧЖ жамоалари ва 30 та ихтисослашган фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган товуқ ва балиқ гўштлари аҳолига арзон нархларда тортиқ қилинмоқда. Чорвачилик хўжалигидаги 32 та фермер хўжаликлари томонидан ҳар килоси 16 минг сўмдан сифатли гўшт сотиляпти. Туман тижорат банклари томонидан мавсумда фермерларга 110 тонна уруғлик картошка учун 275 миллион сўм кредит маблағлари ажратиб берилганлиги ушбу маҳсулотни бу йил ҳар қачонгидан кўпроқ етиштириш имконини берди.

– Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркасининг фаолияти йўлга қўйилганлиги муносабати билан бозордаги бошқа тур маҳсулотларнинг нархи ҳам пасайиб кетди, – дейди Олтиш маҳалласида яшовчи, меҳнат фахрийси Олим ота Исаев. – Айниқса, ташкилотчилар томонидан терминал орқали пластик карточкалар билан савдо қилиш имконияти яратилгани аҳолини беҳад хурсанд этмоқда. Биз бундай ғамхўрлик учун мазкур тадбир ташаббускорларига чин дилдан миннатдорлик изҳор этамиз.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси айни вақтда Бекобод, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Чиноз ва Янгийўл туманларида ҳам йўлга қўйилди. Ушбу туманларда ҳам етарлича захира ҳозирланган. Вилоят ҳокимлигидан маълум қилишларича, 20 декабрдан бошлаб мазкур тадбирга барча туман ва шаҳарларда тўлиқ киришилади.

Сирасини айтганда, амалга оширилаётган изчил ишлардан кўзланган асосий мақсад озиқ-овқат маҳсулотлари сероблигига эришиш, бу эса бозорлар ободлиги, дастурхон тўкинлигини таъминлашдир. Дастурхони тўкин элнинг ризқи бутун, ҳаёти фаровон бўлади.

Иброҳим ТОШЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Жиззах Вилояти

БАРЧАНИНГ ДИЛИГА ЯҚИН МАСЛАҲАТЧИ

Яқинда Арнасой туманидаги «Чўлқувар» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Қишлоқ аҳли раисликка номзоди кўрсатилган беш киши орасидан «Самарқанд» сув истеъмолчилари уюшмасида ишлаётган Ойдин Санақуловни танлашди. Ойдинбек касби жиҳатидан иқтисодчи бўлса-да, қишлоқ хўжалик ишларини ташкил этиш ва юритишда ҳам катта тажриба тўплаган, одамларни мақсад йўлида уюштиришга моҳир ташкилотчи йигит. Ушбу уюшмада бир неча йил турли вазифаларда ишлаб, уч йилдан зиёд уюшма раҳбари лавозимида ҳам чўлқуварлар ҳурмат-эътиборини қозонган. Энди эса сайловчилар уни қишлоқ фуқаролар йиғини раиси этиб сайлашди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмасининг раиси Исоқ Аввалбоев бунинг сабабини Ойдинбекнинг бундан бир неча йил бурун ҳам йиғинга раис бўлгани, ўша йилларда унинг ташаббуси билан қишлоқда катта ўзгаришлар содир этилгани, айниқса, ободонлаштириш, кўча ва хиёбонларни кўкаламзорлаштириш борасида яхши ишлар қилингани билан изоҳлади.

— Шу ўринда эътироф этиш жоизки, — деди у бизни қишлоқ «сайри»га бошларкан, — мазкур йиғин диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчидан жуда ёлчиган: олий маълумотли, фикрлаш доираси кенг, ташаббускор, изланувчан ва энг муҳими, одамлар кўнглига йўл топадиган аёл. Ҳар қандай даврада мулоқотга тез киришади. Хузурига келувчи ҳар бир кишининг қувонч ва ташвишига бир зумда шерик ва ҳамдам бўла олади. Бундан ташқари, қишлоқ ва унинг одамлари ҳаётига оид муаммо ҳамда камчиликларни йиғин фаоллари, оқсоқоллар билан ҳамкор, бамаслаҳат ҳал этишга интилади. Унинг исм-шарифи — Саломат Қувватова. У Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги арафасида «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

— Қишлоғимизнинг бошқа вилоят ва туманларнинг қишлоқларидан кам бўлмаслиги учун ҳаракат қиляпмиз, — дейди Саломатхон. — Қишлоғимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда йил бошидан бошлаб «Энг обод кўча», «Энг ораста ҳовли», «Томорқаси — хазина» сингари кўрик-танловлар ўтказиб келаётганимиз, ушбу танловлар ғолибларини мунтазам рағбатлантираётганимиз яхши самара бераётир. Бу эса кўча ва ҳовлилар тозалиги, кўча бўйлари ва ҳовлиларда бўш жой қолмаётгани, чорва моллари гўнги дуч келган жойга ташланмай, экинзорларга чиқарилаётгани ва шахсий томорқачилик тобора ривожланаётганида яққол намоён бўлмоқда. Йиғинимиз таркибидаги қарийб 800 оиланинг деярли барчаси ўзларининг сабзи, пиёз, картошка, помидор, бодринг каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини ўз томорқаларидан қондиришади. Шунингдек, йиғинимиз ҳудудида кўплаб ҳунармандчилик шоҳобчалари очиб, янги иш ўринлари яратаяпмиз. Масалан, яқинда Дилрабо Болтаева тикувчилик цехини ишга туширди. Айни пайтда унда 8 нафар қизимиз бичиш-тикиш ишлари билан банд. Касаначилик асосидаги ишларини ташкил этиб берган саккиз нафар қизимиз эса, қўшни туман ва қишлоқлардан жун сотиб олиб, пишиқ, чиройли олача, шолча, пойандоз, гилам, машина ўриндиқлари тўшамаси ва бошқа буюмлар тўқиб, қишлоқдошларга арзон нархларда сотишмоқда.

— Саломатхон қиз ва келинларимизни бу каби фойдали ишларга жуда пухта тайёрлайди, — деди йиғин ҳудудидаги 6-умумтаълим мактаб директори Нодира Аннақулова. — У ишни аввало, қизларни оила қуришга тайёрлашдан бошлаб, йиғин қошида «Оила бекатидаги қизлар» тўгараги ташкил этган. Унда қизларнинг турмушга чиқиш олдидан нималарга эътибор беришлари зарурлиги, қариндошлик асосидаги никоҳлар зарари, бўлажак куёв ва келинларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари шартлиги, келиннинг оила олдидаги бурч ва масъулиятлари хусусида дастурий машғулотлар ўтказади. Машғулотларга ўқитувчи-педагоглар, тиббиёт ходимлари, қишлоқнинг обрў-эътиборли онахонлари, ибратли келин ва қайноналар таклиф этилиши уларнинг таъсирчанлигини оширади.

Маълумки, бўй қизларнинг оила қуришдан кейинги бахту иқболи уларнинг нечоғли уқувли келин бўла олишига боғлиқ. Энди Саломатхон тез-тез келинлар мусобақаси ўтказиб, келинлар ва қайноналар муносабатини мустаҳкамлаш, ёш оилада келинни рўзғор юмушларидан ташқари тадбиркорлик-ишбилармонликка ўргатиш чора-тадбирларини ахтара бошлайди. Бу эса, қиз ва келинларимизнинг юқорида Саломатхоннинг ўзи айтганидай, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сари интилишларини кучайтиради. Қишлоғимизда ўнлаб савдо дўконлари, иккита бичиш-тикиш цехи, дурадгорлик, этикдўзлик, теле-радио устахонаси ва бошқа маиший хизмат шохобчалари ишлаб тургани шундан.

Суҳбатларимиздан маълум бўлдики, Саломатхон Қувватова тиниб-тинчимас, ташаббускор, барчанинг дилига яқин маслаҳатчидир. Дилга яқинлигидан ким билан суҳбатлашмасин, суҳбати бесамар кетмайди. Қишлоқ аҳли учун қўйди-чиқди воқеаси мутлақо бегона. Ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик, одам савдоси ҳодисалари, гиёҳвандлик, майда безорилик асло учрамайди. Бунда унинг «Одам савдоси — умр интиҳоси», «Гиёҳванд бўлдингми, инсонликдан чиқдинг», «Оиланг — муқаддас қўрғонинг», «Қайнона — она», «Муқаддас удумларга риоя эт» каби мавзуларда ўтказаётган тадбирлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Чўлқуварлар мени нечоғлик уқувли, меҳнатсевар маслаҳатчи, деб айтишмасин, менинг ҳам ўз уқувли, тажрибали, фаол маслаҳатчиларим бор, — дейди Саломатхон Қувватова мийиғида кулганича. — Улар ўзгалар ташвишини ўзиники деб биладиган, қишлоқдошлар хизматига доимо ҳозиру нозир йиғинимиз фаоллари — Адолат Қўшбоқова, Гулнора Исроилова, Нодира Амирова, Манзура Ёқубова, Каромат Раҳимова ва бошқалар. Шулар менинг доимий кўмакчи ва маслаҳатчиларим. Улар билан ҳали кўп ва катта ишлар қиламиз.



Ҳа, Саломатхон одамлар орасида юриб, улардан ўрганаётган ва уларга хизмат қилаётган серташвиш, тиниб-тинчимас аёл. Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги арафасида унинг юксак мукофотга муносиб топилгани шундан!

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Кармана тумани ҳокимлигининг 2013 йил 18 сентябрдаги 01-42/100-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга Навоий шаҳар Навоий кўчасининг М-37 магистрал йўлига қўшиладиган йўл ёқасидан қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. Уч қаватли меҳмонхона биноси қуриш учун Кармана тумани "Янгиариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 5300,0 кв.м. 1-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 2 803 594 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Кармана тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2014 йил 13 январь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Кармана тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 14 январь куни соат 11:00 да очилади, 2014 йил 14 январь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ "Ипотека банк" Навоий шаҳар филиалидаги: МФО 00205, СТИР 207122519, 20208000504920609007 ҳ/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Навоий вилояти Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. (8-436) 224-15-61, user07@inbox.uz. www.1kms.uz. **Лицензия** RR 0001.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Бувайда тумани ҳокимининг 2013 йил 26 ноябрдаги 579-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси (Тикувчилик цехи) қуриш учун Бувайда тумани «Янгиқўрғон» ҚФЙ Янгиқўрғон қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 1 100 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 665 610 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бувайда тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 16 январь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Бувайда тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 17 январь куни соат 13:00 да очилади, 2014 йил 17 январь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

II. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Бешариқ тумани ҳокимининг 2013 йил 26 ноябрдаги 284/02-01-сонли алоқа хатига асосан 7 та ер участкалари такрорий ва 2013 йил 26 ноябрдаги 285/02-01-сонли алоқа хатига асосан 7 та янги ер участкалари, жами 14 та ер участкалари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. Савдо ва маиший хизмат шохобчаси қуриш учун Бешариқ тумани Бешариқ шаҳар Х.Дўстлиги даҳаси 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 200 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 91 650 сўм.

2. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Бешариқ тумани Бешариқ шаҳар «Янги ҳаёт» МФЙ 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 200 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 74 454 сўм.

3. Савдо дўкони қуриш учун Бешариқ тумани «Яккатут» ҚФЙ Бўстон МФЙ 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 300 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 74 880 сўм.

4. Ошхона ва олд майдонига айвон қуриш учун Бешариқ тумани «Қашқар» ҚФЙ Боғи-Бўстон қишлоғи 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 240 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 59 904 сўм.

5. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун Бешариқ тумани Бешариқ шаҳар Х.Дўстлиги даҳаси 1-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 140 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 64 155 сўм.

6. Савдо дўкони қуриш учун Бешариқ тумани «Андархон» ҚФЙ Қияли қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 200 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 49 920 сўм.

7. Гўшт дўкони қуриш учун Бешариқ тумани «Андархон» ҚФЙ Капаянги қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 24 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 5 990 сўм.

8. 2 та Сунъий қопламали футбол майдончаси ҳамда ёрдамчи хоналар (ювиниш, ечиниш хоналари) қуриш учун Бешариқ тумани «Қашқар» ҚФЙ «Абдураззоқ ота» МФЙ Рапқон қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона танланган умумий ер майдони 2 200 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 549 120 сўм.

